

Хабар

31
(932)-son

30-iyul

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

IP-телефония имкониятлари

IP-телефония (кискача мазмуни IP address — инг. тилидан кискартма бўлиб, Internet Protocol Address. Интернет ёки локал тармоқнинг уникал идентификацион (адреси) ускунаси) технологияси остида интернет ёки инсталланган реал вақт оралигида шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаларини ва факс жўнатмаларини қабул қилиш имконини беради. IP-телефония энг мураккаб тузилишга эга компьютер-телефония дастурий воситаларидан биридир.



“МТС-ЎЗБЕКИСТОН”: 4G ТАРМОФИ ИШГА ТУШДИ

Республикаимиз мустақиллиги байрамининг 19 йиллиги арафасида “МТС-Ўзбекистон” компанияси МДХ ва Марказий Осиеда биринчи бўлиб, тўртинчи авлод тармоғини (LTE) ишга туширди. Таъкидлаш лозимки, LTE стандартига мос келадиган мобил алоқанинг биринчи тармоғи 2009 йилнинг охирида Швецияда ишга туширилган эди. Бугунги кунда LTE (4G) тармоғи Норвегия, Германия ва Буюк Британияда ишга туширилган.

LTE (Long-Term Evolution) технологияси — бу 3G тармоқлари тараққиётининг мантиқий давомидир. Мазкур технология амалдаги мобил тармоқларга нисбатан маълумотларни анча юқорида тезликда (назарий жиҳатдан юз марта тезроқ) етказиб бериши мумкин.

Ўзбекистонда LTE (4G) ишга туширилиши МТС абонентларига катта имкониятларни очиб беради, ўз компьютерлари ва ноутбукларида 100 Мб/сек. тезликда маълумотларни етказиб беришлари мумкин.

Давоми 3-бетда.

Сўнги янгилик!



Алоқа оламида:

Intel корпорацияси дунёдаги биринчи интеграциялашган лазер орқали маълумотларни узатиш оптик канали прототипини яратди. Бу оптик каналларнинг тезлиги 50 Гбит/сонияга етиши мумкин.

Янги турдаги маълумотларни узатиш оптик канали тўртта лазерга эга узатиш чипидан иборат. Ундаги ёруғлик нурлари маълумотларни 12,5 Гбит/сония тезликда кодловчи оптик модуляторга келиб тушади. Шундан сўнг нурлар ўтказувчанлиги 50 Гбит/сония бўлган ягона оптик толада бирлашади. Каналнинг охиридаги чип-қабул қилгич нурларни фотодетекторга тақсимлаб узатади ва фотодетекторда маълумотлар электр сигналларига айланади.

Ушбу сонда:

- Рақамли телевидение: кўринг, баҳоланг! 2
- Веб-браузерларга ишонманг 4
- Семинары по применению ИКТ 6
- Бунёдкор юрт фарзандлари 12
- Соҳа футзали: Голиб ким бўлади? 15

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Umadan Umagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот фаолияти ва маълумотларни узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган фаоллар йиғилиши Нукус, Гулистон ва Тошкент шаҳарлари, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

Самарқандда “Коинотда “Самарқанд” порлайди” деб номланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институтининг Майдак обсерваториясида мамлакатимиз олимлари томонидан кашф этилган сайёрага Президентимиз тақдирот билан астрономия фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган Самарқанд шаҳри номи берилган. Ўзбекистон ФА Астрономия институти директори, профессор Шухрат Эгамбердиев тақдирот маросимида Гарвард кичик сайёра маркази томонидан берилган сертификатни шахар ҳокими тақдим қилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг шакллантириш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

“Тошкент — Урганч” ҳаво йўналиши бўйича Урганч шаҳри халқаро аэропортига янги энг замонавий ва кулай самолёт — “А-320” ҳаво лайнери келиб қўнди. Эндиликда бу авиалайнер Урганч шаҳри ва пойтахтимиз ўртасида мунтазам қатнайдиган бўлди. “Урганч” халқаро аэропортига янги авиалайнерни тантанали кутиб олиш маросими ўтказилди.

Люксембург университетидан Ўзбекистонда “Баркамол авлод йили Давлат дастури”нинг амалга оширилиши, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, яратилган сармоявий муҳит ҳамда мустақиллик йилларида эришган ютуқларига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Таъбир мамлакатимизнинг Белгиядаги элчихонаси томонидан Люксембург молиявий технологиялар трансфери агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси томонидан “Тошкент — Мадрид” доимий авиақатновининг йўлга қўйилиши муносабати билан Мадридда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салохиятига бағишланган тақдирот маросими ўтказилди.

Маълумки, 2015 йилда республикамизда тўлиқ рақамли телевидениеге ўтиш режалаштирилган. Амалдаги йилнинг ярми якунига етгани ҳисобга олинса, унчалик ҳам кўп вақт қолмади. Хўш, тизимни амалга оширишга киришилган 2007 йилдан буён қандай силжиш рўй берди? Ютуқлар нималарда аксини топяпти-ю, камчиликлар нимада? Умуман, рақамли телевидениенинг афзаллиги нимада? Журналистларнинг бу каби саволларига “Ўзбектелеком” АКнинг Инженер-техник марказида ташкил этилган брифингга мазкур лойиҳа учун масъул ташкилотлар — “Радиоалока, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК, “UzDigitalTV” ҳамда “TELMAX ELEKTRONIKS” корхонаси раҳбар ва мутахассислари жавоб беришди.



РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ: КЎРИНГ, БАҲОЛАНГ!

Оммавий ахборот воситалари орқали бот-бот маълум қилинаётганидек, аналогли ТВ асри ниҳоясига етиб, рақамли телевидение даври бошланмоқда. Рақамли телевидениенинг ўзи нима? Унда видео ва аудиосигналлар рақамли модуляция қўлланган ҳолда, маълумотлар ихчамлаштирилиб пакетли тарзда транслятордан телевизорга узатилади. Унинг аналогли телевидениедан устунлиги тасвир ва овознинг юқори сифатида, бунинг устига, радиочастота диапазонида қолаққан бўш жойлар янги симсиз тармоқлар яратиш имкониятини беради.

Рақамли ТВнинг Европа (DVB), Америка (ATSC) ва Япония (ISDB) стандартлари мавжуд бўлиб, MDX ва Ўзбекистонда DVB-T стандарти қабул қилинган, шунинг учун Европа тажрибаси ўрганилмоқда. Ўзбекистонда ҳам худди Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар сингари 2015 йилда тўлиқ рақамли узатишга ўтиш режалаштирилган. Ҳозирча Швеция, Финляндия, Швейцария, Германия, Белгия ва Нидерландияда бу борадаги ишлар ниҳоясига етказилган. Телевидениени рақамлаштириш жараёни уларда нисбатан эрта — 1999-2003 йилларда бошлангани учун маълумотларни сиқишнинг MPEG-2 формати танланганди, бироқ кейинчалик бу шакл ўзини унча оқламаслиги маълум бўлди. Шу боис лойиҳани амалга ошираётган бошқа давлатлар катори республикамизда ҳам MPEGнинг янада такомиллашган, жумладан, 3D объектларни қўлловчи MPEG-4 стандарти қабул қилинди. Умуман олганда, DVB-T стандартига узатиш аналогли телевидениеникidan деярли фарқ қилмайди, фақат узатиш технологияси ва сигнал шакли бошқача. Шунингдек, DVB-Tни йўлдошли DVB-S ёки кабелли DVB-C стандартлари билан адаштирмамаслик керак.

Айни пайтда Тошкентда 25та (4та давлат теледастури, 21та хорижий) теледастури кўрсатувчи

2та, Бухорода 12та (4та давлат теледастури, 8та хорижий) теледастури эфирга узатувчи 1та рақамли телеузатгич ишга туширилган.

“Тошкентда ўрнатиладиган рақамли телеузатгичлар сони 4тага етказилади ва улар трансляция қилинадиган дастурлар сонини 48тага етказиш имконини беради, — дейди “PPTM” ДУК техник директори Босит Обидов. — Шунингдек, яқинда Самарқанд шаҳрида ҳам 12 теледастури узатишга мўлжалланган рақамли узатгич ўрнатилди”.

Кейинчалик Андижон, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам рақамли ретрансляторларни ўрнатиш кўзда тутилган.

Рақамли каналлар абонентлари билан ишлаш учун республикамизда янги авлод телевидениеси — “UzDigitalTV” МЧЖ ташкил этилган. Жорий йилнинг 21 июни кунини “UzDigitalTV” телекўрсатувларни тарқатиш бўйича хизмат кўрсатишга доир лицензияга эга бўлди ва пуллик рақамли телевидениеге абонентларни улашни бошлаб юборди.

Брифингга мазкур корхона директори Улугбек Тағалиев маъруза қилиб, кўрсатиладиган хизматлар, тарифлар ҳақида маълумот берди (UzDigitalTVнинг интернетдаги манзили — uzdtv.uz га кириб батафсил маълумот олишингиз мумкин). Маълум қилинишича, “ТВ буюртма бўйича” хизмати орқали томошабинлар сеvimли кўрсатувларини ўзлари хоҳлаган пайтда, қолаверса, DVD-плеерни ишлатган каби танаффуслар билан кўриш имкониятига эгалар. “Кўрсатувлар дастури” хизмати ёрдамида бир ҳафта олдин кўрсатувлар тартиби билан танишиш мумкин, керакли кўрсатувлар белгиланса, автоматик равишда тунерда акс этади. Булардан ташқари, абонентлар кўрсатув ҳақидаги батафсил маълумот: унинг қанча вақт давом этиши, қачон тугаши, кейингисининг қачон бошланиши ва ҳоказо маълумотларга эга бўлишади.

Ҳозир аксарият хонадонларда ишлатилаётган телевизорлар рақамли телесигналларни қабул қила олмайди. Бунинг учун ТВ-тунер ёки рақамли қабул қилишни қўлловчи телевизор керак. Шунингдек олиб мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган “TELMAX ELEKTRONIKS” корхонасида тунер — Set-Top-Box DVB-T1000MP4 қурилмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

“Корхонамизда асосан уч турдаги тунерларни ишлаб чиқариш режалаштирилган, — дейди “TELMAX ELEKTRONIKS” ИЧК МЧЖ бош муҳандиси Абдуғани Мавлонов. — Биринчиси очиқ каналли тунерлар, учинчиси махсус, яъни HD-форматдаги юқори сифатли теледастуриларни томоша қилиш ва ёзиб олиш, филмларни буюртма асосида кўриш имконини берувчи тунерлар”.

Корхонанинг Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги янги заводи ишга тушиши билан Set-Top-Box қурилмаларини ишлаб чиқариш янада кўпаяди.

Брифинг кўп масалаларга ойдинлик киритди. Масалан, мутахассислар тоғли ҳудудларга рақамли сигналларни миниузатгичларда етказишни, бошқа каналлар билан рақобатни сифат орқали енгишни билдиришди. Шунингдек, рақамли теледастурилар тарифлари қизгин муҳокамааларга сабаб бўлди. Кўпчилик ўйлаганидек, рақамли телевидение тўлиқ пуллик эмас: ижтимоий, яъни республика давлат теледастурилар очиқ каналларда намойиш этилаверади, бошқалари эса хизматлар пакетига қараб нархланади. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, рақамли телевидениеге баҳо бериш учун аввало ундан фойдаланиб кўриш лозим.

Собит АҲАДОВ,
“Xabar” мухбири

“МТС-Ўзбекистон”: 4G тармоғи ишга тушди

(Давоми. Бошланғич 1-бтда.)

Мисол учун энди МТС абонентлари санокли сонияларда оғир видео-файлларни кўчириб олишлари, шунингдек, юқори ечимда (HD – High Definition) ТВ ва филмларни томоша қилишлари мумкин.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг марказий қисмида 4G тармоғидан фойдаланиш мумкин. Келгусида компания бутун Ўзбекистон бўйлаб 4G тармоғи доирасини кенгайтиришни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, 3G тармоғини ривожлантириш компания учун устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. 3G тармоғи 2008 йилнинг охирида ишга туширилган ва ҳозирда Ўзбекистоннинг 5та йирик шаҳрини ўз ичига олади. 2011 йилнинг охирига келиб компания республика-мизнинг барча вилоят марказларини 3G тармоғига киритишни режалаштирмоқда.

Янги авлод алоқа тармоқлари учун ечимлар ишлаб чиқиш соҳасида жаҳоннинг етакчи компанияси бўлган Huawei Technologies Co. Ltd Ўзбекистондаги LTE (4G) тармоғини барпо этиш учун ускуналар етказиб берди.

4G тармоғи доирасида мазкур технологияга мослашган телефон ва модем бўлганда компания абонентлари LTE (4G) имкониятларидан фойдаланишлари мумкин.

Ўз мухбиримиз



DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Кенгаш йиғилиши

Яқинда Давлат алоқа инспекциясининг 2010 йил биринчи ярми яқунларига бағишланган Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи, Кенгаш раиси Ш.Атамухамедов бошқарди ва “Давлат алоқа инспекциясининг 2010 йил биринчи ярми йиллиги давомида амалга оширилган ишлари тўғрисида” маъруза қилди. Шунингдек, йиғилиш кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалалар юзасидан ДАИ бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Ғафуров ва бошлиқ ўринбосари Ю.Мухаммад маъруза қилишиб, инспекциянинг телекоммуникациялар, радиоалоқа, ахборот-коммуникация технологиялари, қурилиш, почта алоқаси, матбуот тарқатиш, меъёрий ҳужжатлар, санкция ва шикоятлар билан ишлаган йўналишлари бўйича олиб борилган ишлар ҳамда бўлинмалар томонидан йўл қўйилган камчиликларга алоҳида тўхталишди. Тилга олиб ўтилган камчи-

ликлар юзасидан бўлинма бошлиқлари — З.Боймиров, А.Матқаримов, А.Юсупов, О.Добиллов ҳамда қурилиш масалаларини мувофиқлаштириш ва sanoat-transport гуруҳи бошлиғи О.Бобоқулловлар ҳисобот бердилар.

Кенгаш йиғилишида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати назоратини ошириш, йўл қўйилаётган камчиликларга барҳам бериш, айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чораларини кўриш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Нодир ТУРСУНОВ,
ДАИ телекоммуникациялар ва радиоалоқа бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи

“Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тизим, шу қадар тезкорки, энди илгаридек, ха бу воқеа биздан жулда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди”.

“Юксак маънавият — енгилмас куч” асаридан.

“ЎРГИМЧАК ТҮРИ” ДАН

ОГОХ БЎЛИНГ!

Ҳозирги кунда тараққиётнинг юқори технологиялари ҳаётимизга дадил қадамлар билан кириб келмоқда. Тўғрроқ қилиб айтганда, кириб келишга улгурди ҳам. Шундай ютуқлардан бири глобал интернет тармоғидир. Сиз интернетга кирсангиз, қайсики ахборотни олмоқчи бўлсангиз мос манзилни терасиз. Манзилки, тайин фақат ва фақат 3та бир хил харф: WWW билан бошланади.

Аслида WWW инглизча қисқартма сўз бўлиб, “Бутун дунё ўргимчак түри” маъносини беради. Ҳақли савол туғилади: Нима учун айнан ўргимчак түри? Интернетнинг ўргимчакка ва унинг түрига нима алоқаси бор? Балки, улар жарангли эштилсин деб, уни маъжозий ном билан атагандирлар. Балки, номлашдан мақсад бошқадир. Ўргимчакнинг ўз түрини қайси мақсадда ишлатиши аён экан, ҳар қандай кишининг онгида ном тасодифан берилмаган деган фикр шаклланиши аниқ. Чунки, у ўз номини маълум миқдорда оқламоқда. Акс ҳолда ўргимчак ҳали қаноти қотмаган ҳашаротларни ўз домига қандай тортгани сингари, интернет

ҳали онги тўла шаклланмаган ёшларни ўзининг нотўғри, асоссиз ва ёлғон ахборотлари билан захарлаш даражасига чамасиз бормас эди.

Лекин, бу билан биз интернет тўла “ўргимчак түри” вазифасини бажаряпти дейишдан йироқмиз, чунки бу түр ичида эркин ҳаракатланиш имкони мавжудлиги бизга тасалли беради. Сабаб шуки, интернетни ижобий мақсадга ҳам йўналтирса бўлади ва “ўргимчак түри”нинг ҳақиқий эгалари буни чегаралай олмайдилар. Биз ўз халқимиз менталитети, маданияти ва мафқурасидан келиб чиққан ҳолда эзгу мазмундаги веб-саҳифаларни

кўпайтириб интернетга жойлаштиришимиз мумкин.

Лекин, шу билан бирга, бундай мафқуравий хурждан бутунлай озодмиз, бизни бошқара олишмайди, дейишдан чекинишимиз керак. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қалай ўргимчак түрининг ўз ўргимчаги бўлгани сингари бу түрнинг ҳам ўз “ўргимчак”лари бор. Мен уларни шундай атамадим: улар ўзларига ўзлари шундай номни бериб қўйганлари кундек равшанку. Ҳайрон бўлишингиз, табиийки, муаллиф тараққиётга қарши, интернетни қоралайпти дейишингиз мумкин. Асло, йўқ, мен интернетни

қораламадим, мен WWW ҳақида гапирдим. Интернет билан WWW орасида фарқ бор. Биз интернетда ишловчи оддий инсонлардан фарқ қилишимиз, деворнинг орқасини ҳам кўра билишимиз зарур.

Тараққиёт ҳақида гапирганда “Юксак маънавият — енгилмас куч” асаридан келтирилган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг фикрлари эсга тушади:

“Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”. Хўш, миллатни поймол этмасдан тараққиётни олға суриш ва бу йўлда “ўргимчак”лардан озод бўлишнинг йўли қандай? Ўшанда муҳтарам Президентимизнинг сўзлари эсимга тушади: “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ керак”.

Улар билан курашиш учун сайт яратиш бўйича илмий салоҳият кучли бўлиши керак ва биз айнан ўша илмимиз ва бой мафқураимиз билан қарши туришимиз зарур. Илмий салоҳиятимиз туфайли улар билан бемалол кураша оلسак, уларнинг жаҳолатини енгилганда эса маърифатимиз қўл келади. Бир сўз билан айтганда, интернетда ўзгача муҳитни яратишимиз зарур. Кейин бу муҳит шундай бир уммонга айланадими, унинг ичида тенгсиз маънавиятимиз, тубсиз маданиятимиз, давлатимизнинг жонқуяр сиёсати ўз ифодасини топган бўлади. Қарабсизки, биздан кейинги авлод айнан ўша оламда сайр қилади, “ўргимчак”лар бизга хавф сола олмайдилар.

Ҳозирда сайт яратиш учун малакани шакллантириш бўйича бизнинг ТАТУ Урганч филиалида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. HTML гиперматнли белгиланиш тили, PHP, Java Script, MySQL каби бир қатор дастурлаш тилларини ўргатиш яхши йўлга қўйилган.

Ойбек АЛИЕВ,
ТАТУ Урганч филиали талабаси

Xalqaro hayot



БМТ КОСОВОНИ ТАН ОЛДИ

БМТ Халқаро суди Косово ҳукуматининг Сербиядан мустақил бўлиш тўғрисидаги 2008 йилдаги қарори қонунийлигини тасдиқлади.

Шу пайтгача 69 мамлакат Косово мустақиллигини тан олган.

Косово мустақиллигига қарши мамлакатлар орасида Россия, Хитой, Белгия сингари мамлакатлар бор.

ПОКИСТОНДА КҮНГИЛСИЗ ХОДИСА

28 июл куни Покистонда кўнгилсиз ҳодиса юз берди. Бортида 152 киши бўлган Airbus самолёти пойтахт Исломобод яқинида қулаб тушган.

Исломобод полиция раҳбари Бани Аминнинг айтишича, тирик қолганлар йўқ.

“Барча ҳалок бўлганларнинг жасадлари топилди. Бироқ қурбонлар сони ҳақида аниқ маълумот бериш жуда қийин”, — деди у. — Маълумотларга қараганда, самолёт бортида 149 йўловчи бўлган, шу боис қидирув ишлари давом этапти”.

САУДИЯДА СУВ ТОШКИНИ

Саудия Арабистонининг тоғли ҳудудларида сув тошқинлари 14 кишининг умрига зомин бўлди.

Ҳудудда сўнгги бир неча кун кучли ёмғир ёғиши сув тошқинларини келтириб чиқарган.

Кўплаб йўллар ишдан чиққан. 400 киши хавфсиз жойларга кўчирилган.

РОБЕРТ ДАДЛИ ВРНИ БОШҚАРАДИ

British Petroleum компаниясини жорий йилнинг 1 октябридан Роберт Далли бошқаради. Мексика кўрфазидаги кўнгилсизликлар амалдаги раҳбар Тони Хейворднинг ишдан бўшатилишига сабаб бўлган. Далли ВР тарихидаги илк британиялик бўлмаган раҳбардир.

Компания, шунингдек, Мексика кўрфазидаги авариядан 11 миллиард фунт-стерлинг (\$17 млрд.) зарар кўрганини маълум қилган.

НЕФТ НАРХИ ПАСАЙДИ

Жаҳон бозорларида 27 июл куни нефт нархи пасайиши кузатилди.

Лондоннинг ICE (InterContinental Exchange Futures) биржасида Brent Crude Oil номли шимолӣ денгиз нефт аралашмаси 1,37 долларга арзонлашиб, баррели 76,13 долларни ташкил этди.

Ню-Йоркнинг NYMEX (New York Mercantile Exchange) биржасида эса америка енгил нефти — Light Sweet Crude Oil 1,48 долларга пасайиб, 1 баррели 77,50 долларга баҳоланган.

АВИАТАШУВЛАР ИЗГА ТУШМОҚДА

Халқаро авиатранспортда йўловчиларни ташиш ўтган ой 11,9 фоизга ўсди. Бу ҳақда Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA) хабар берган. Бу иқтисодий инқироздан олдинги, 2008 йил биринчи чорагидаги кўрсаткичдан 1-2 фоиз юқоридир.

IATA бош директори Жованни Бизинянинг айтишича, соҳа қутилганидан кўра тезроқ ўнганмоқда. Осиё компаниялари авиаташувларни кўпайтиришда Европа компанияларидан икки баравар шилдат билан ҳаракат қилмоқда. Тўғри, бу ўринда Исландиядаги Эйяфьятлайокудл вулкони европаликларга бошқорик бўлганини ҳам истисно қилмаслик керак.

Ассоциациянинг ҳисоб-китоб қилишича, жорий йил якунига кўра, жаҳоннинг барча авиакомпаниялари оладиган фойда 2,5 миллиард долларни ташкил этади (ўтган йили 9,5 миллиард доллар зарар кўрилган). Агар баҳорат оқланса, 2007 йилдан буён илк бор барча авиаташувчилар биргаликда 12,9 миллиард доллар ишлаб олади.

BIZNES

LGдан омад юз ўгирди

Жанубий Кореянинг LG Electronics компанияси 2010 йил II чорагидаги фаолияти якунларини маълум қилди. Корпорация соф фойдаси ўтган йил шу даврига нисбатан 33 фоизга камайиб, 736 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу ҳолатга LGнинг мобил телефонлар ишлаб чиқариш бўлими муваффақиятсизлиги сабаб бўлган.

Ўтган бир йил давомида компания смартфонлар бозорида Samsung ва Apple рақобатига дош бера олмаган. Оқибатда кўрилган зарар 101 миллион долларга етди, бир йил олдин, аксинча, 524 миллион долларлик фойда олинган.

LG раҳбарлари, шунингдек, евро курсининг нобарқарорлиги ҳам салбий молиявий кўрсаткичлар сабабчиси бўлганини таъкидлашган. Молиявий ҳисоботдан сўнг компания акциялари баҳоси пасайишни бошлади.



Panasonic Sanyo сотиб олмақчи



Bloomberg агентлиги хабарига кўра, Panasonic компанияси айти пайтда ўзига қарашли бўлмаган Panasonic Electric Works ва Sanyo Electric акцияларини сотиб олмақчи.

Токионинг Nikkei газетаси хабар беришича, Panasonic жорий йилда акциялар харид қилишга 900 миллиард иена ёки 10 миллиард АҚШ доллари сарфлаши мумкин.

Таҳлилчиларнинг фикрича, ҳозир иқтисодий танг ҳолатда бўлган Panasonic Sanyo акцияларини тўлиқ сотиб олиш ва шу йўл билан аккумуляторлар ишлаб чиқарувчисини назоратга олган ҳолда электроника бозорида Samsung ва Sony билан муносиб рақобатга киришмоқчи.

Планшет компьютерлар

кўпаймоқда

2010 йил охиригача жаҳон бўйича 11 миллионга планшет компьютер чиқарилади. ABI Research компанияси таҳлилчилари шундай хабар тарқатишди. Негаки Apple iPadлари ёнига сентябр ойдан яна кўпайиб ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари кўшилиши кутиляпти.

2013 йилда эса бу кўрсаткич икки баравар ошиши мумкин.



QONUNCHILIK

Еврокомиссия IBMга қарши

Европа комиссияси IBM компаниясига нисбатан монополия бўйича иккита иш қўзғайди.

Компания универсал ҳисоблаш машиналари — мейнфреймлар бозорида монополияга қарши қонунчиликни бузганликда гумон қилинапти. Хусусан, компания эҳтиёт қисмларни етказишда атайин кечикишга йўл қўйганлиги эҳтимолда тутиляпти.

INTERNET

Етти калит

Махсус халқаро комиссия янги тузилган хавфсизлик тизими — DNSSEC (Domain Name System Security Extensions) доирасида етти кишидан иборат гуруҳ тузди ва уларга интернет ишдан чиққанда уни қайта ишга тушириш калитларини топширди. Уларнинг ҳар бирида рақамли калитнинг бир қисми бор.

Бу кишилар дунёнинг турли нукталарида истиқомат қилишади. Улардан бири Пол Кейн Буюк Британия фуқароси ҳисобланади. Глобал тармоқ ишдан чиққан тақдирда бошқа шериклари каби у ҳам АҚШга йўл олади. Бу мутахассислар биргаликда интернетни қайта ишга туширишади.

Таъкидлаш керакки, криптографик калит DNSSEC хавфсизлик тизимининг энг муҳим қисмидир. Унда домен номлари тизими (DNS)нинг илди зонаси ҳақида ахборот сақланади, айнан бу ахборот юқори даражада доменлар фаолиятига масъулдир.

Baidu ўз амалиёт

тизимини яратади

Googlening Хитойдан чиқариб юборилиши маҳаллий мегақидирув тизими — Baiduga қўл келмоқда. У компьютерларда қидириш бўйича Хитойда 70 фоиз улushа эга. Бироқ унинг смартфонлардаги улushi 26 фоиздан ошмайди (Google билан деярли бир хил кўрсаткич).

Шу боис Хитойда жуда оммалашган Android тизимга муқобил тизим яратишга қарор қилинди. InformationWeekнинг ёзишича, Baidu бунинг учун Хитойдаги собиқ туглчиларни жалб этишга қарор қилган.


XAVFSIZLIK

Веб-браузерларга ишонманг

Ҳозирги замонавий веб-браузерларнинг барчаси фойдаланувчилар шахси ҳақида маълумот беришни талаб қилувчи эксплоитлар олдида ожиздир. АҚШда хакерлик муаммоларига бағишлаб ўтказилган Black Hat 2010 конференцияси қатнашчилари шундай тўхтамга келишди.

Маълумотларга кўра, мавжуд эксплоитлар орқали гаразли ниятли шахслар фойдаланувчиларнинг банк ҳисоблари ва ўз манфаатлари йўлида фойдаланишлари мумкин.

Конференцияда ахборот технологиялари мутахассислари эксплоитлар ёрдамида Internet Explorer, Safari, Chrome ва Firefox браузерларига кириш мумкинлигини тақдимотлар орқали амалда исботлаб беришди.



(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Тарихга бир назар

Интернет орқали овоз товушини юбориш концепцияси АҚШнинг Иллинойс штати университетига вуждуга келди. Ушбу йўналиш бўйича 1993 йил Чарли Квят томонидан "Maven" деб номланувчи биринчи тармоқ дастури яратилди. Бир вақтнинг ўзига "CU-SeeMe" мультимедиа дастури жуда машхур бўлиб кетди, у АҚШнинг Корнел университети томонидан Macintosh (Mac) да видеоконференция ўтказиш учун яратилган дастур эди.

IP-телефониянинг ҳақиқий кўргазма намойиши 1995 йили ўтказилди. Исроилининг VocalTec компанияси биринчилардан бўлиб Internet Phone дастурини тақдим этди, бу дастур мультимедиа компютерларига мосланган бўлиб Windows амалиёт тизими остида ишлар эди. Булар Интернет-телефониянинг ривожланишига туртки бўлди. VocalTec компаниясининг хусусий тармоғи остида Internet Phone дастури орқали минглаб инсонлар бир-бири билан мулоқот ўрнатиш имкониятига эга бўлдилар.

Айнан 1995 йили илк бор инсонлар ҳеч қандай халқаро алоқаларга тўловларни амалга оширмаган ҳолда ер юзининг исталган жойида туриб бир-бирлари билан алоқа ўрнатдилар. Уша йили, сентябр ойларида Далласдаги (Техас штати) компанияларнинг бирида DigiPhone дастури ишлаб чиқарилди, бу дастур «дуپлекс» имкониятига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзига овоз ва товуш қабул қилиш имконини берди. У жуда оммалашиб кетди ва у кишилар дастурга уланган ҳолда соатлаб гаплаша бошладилар.

1996 йил март ойида IP-телефониянинг ривожланиш босқичида тарихий воқеа юз берди. Икки йирик компания — VocalTec ва компютер телефонияларга дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи Dialogic ўртасида йирик «Internet Telephone Gateway» лойиҳаси эълон қилинди. Мақсад бутун тармоқ ва телефон аппарати ўртасида махсус шлюз ўрнатиш орқали оддий телефон аппаратида интернет ресурсларига кириш ва фойдаланиш эди. Охириги дастурлардан бири оддий телефон линияларидан интерфейс орқали (Dialogic овоз платаларидан) фойдаланувчи VTG (VocalTec Telephone Gateway) дастуридир. Кўп каналли овоз платалари, биринчидан, VTG тизими тармоқ орқали саксизта мустақил телефон сўзлашувларини қўллаш мумкин бўлди, иккинчидан, адреслаш муаммоси бартараф этилди ва оддий телефон рақамини IP-адресга айлантириш (ва IP-адресни телефон рақамига айлантиришда) ҳамда канални

максимал даражада зичлаш имконини берди. Бунинг натижасида алоқа нархининг арзонлашуви телекоммуникация дунёсидан туб ўзгаришларга олиб келди.

Бир йил ўтгач интернет орқали сайёраамизнинг турли минтақасидаги икки телефон абоненти ўртасида алоқа ўрнатиш оддий ҳолга айланди. Шу йўсинда икки йил оралиғида муқобил алоқа ўрнатиш усули яратилди.

наллар пакетлар дейилиб, телефон линиясида кет-кетма йўналишда амалга оширилади. Бу кетма-кетликда бажарилаётган амалиётлар (телефон тармоғига сигналнинг кириши ва унинг чиқиши) амалий жиҳатдан бир вақтнинг ўзига тўлиқ дуплекс мулоқотни амалга ошириш имконини беради. Ушбу маълумотлар базасига таянган ҳолда турли конфигурацияга эга АКТни қуриш имкони мавжуддир. Айтайлик, битта телефон серверига кўнғироқни амалга

ли амалга оширилади:

- шлюз (gateway);
- диспетчер (gatekeeper);
- монитор (administration manager).

Диспетчер:

Диспетчер, ёки GateKeeper — қўшимча ускуна, фақат IP-тармоғига уланган бўлиб, ўзида IP-телефониянинг тармоқдаги бутун иш фаолиятини бошқаради.

Функциялари:

- аутентификация ва абонентни

IP-телефония имкониятлари


IP-телефонияни корпоратив мақсадда қўлланса фирма ва филиаллар ўртасида сифатли алоқа (овоз ёки видео) ўрнатилади, нархлар корпоратив веб-сервер фойдаланувчилари учун қулайдир.

Масалан:

Бош офис Нью-Йоркда (АҚШ), филиаллар Тошкент ва Нукусда. Айтайлик, Нукусдаги офисда АТС ўрнатилмаган, фақатгина шаҳар телефон тармоғи мавжуд. Барча офислар интернет тармоғига чиқиш ёки ажратилган линия каби имкониятларга эга. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқа нархлари камайтириш талаб этилади.

Ечим:

Барча офисларга телефон шлюзлари ўрнатилиб, улар офис АТСларига уланади. Офисдаги исталган телефон рақамидан исталган офисдаги телефон рақамига БЕПУЛ кўнғироқларни амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, исталган шаҳар телефон рақамидан бошқа шаҳар корпоратив телефон серверига ҳам чиқиш имкониятлари кабилардир.



IP-телефониянинг асосий иш принципи:

IP-телефониянинг асосий иш принципи куйидаги кўринишга эга: бир томондан, сервер телефон алоқаси линиясига уланган ҳолда ер юзидаги исталган телефон рақамига боғланиш имкониятига эга. Иккинчи томондан, сервер интернет орқали жаҳондаги исталган компютерга уланиш имконини беради. Сервер стандарт телефон сигналин қабул қилиб, уни рақамли кўринишга айлантиради (агар у даставвал бундай кўринишда қабул қилинмаса), маълум миқдорда зичланади, пакетларга бўлиниб у интернет тармоғи орқали (ТСР/IP протоколи қўлланилган ҳолда) узатилади. Телефон серверига тармоқ орқали келувчи ва чикувчи сиг-

налар пакетлар дейилиб, телефон линиясида кет-кетма йўналишда амалга оширилади. Бу кетма-кетликда бажарилаётган амалиётлар (телефон тармоғига сигналнинг кириши ва унинг чиқиши) амалий жиҳатдан бир вақтнинг ўзига тўлиқ дуплекс мулоқотни амалга ошириш имконини беради. Ушбу маълумотлар базасига таянган ҳолда турли конфигурацияга эга АКТни қуриш имкони мавжуддир. Айтайлик, битта телефон серверига кўнғироқни амалга

рўйхатдан ўтказиш

- шлюзлар ўртасида кўнғироқларни тақсимлаш
- биллинг.

Монитор

Монитор — IP-телефония тармоғидаги қўшимча модул ҳисобланади, фақатгина IP-тармоғига уланиб, масофадаги ўзгаришларни, тармоқ шлюз ва диспетчер каби ускуналар иш фаолиятини назоратта олади.

Функцияси:

- масофадаги интерфейс IP-тармоқлари орқали IP-телефониянинг шлюз ва диспетчер солашларини амалга оширилади.

Монитор тармоқда солаш ва бошқариш учун жудай қулай восита. Дастлаб шлюзларда стандарт тармоқ воситалари ишлатилар эди, булардан бири pcAnywhere. Кейинроқ IP-телефония учун такомиллаштирилган воситалар ишлаб чиқарила бошланди.

Шлюз:

Шлюз — зарур ускуналардан бири, шлюз IP-тармоқ ва телефон тармоққа уланади (PBX/PSTN).

Функциялари:

- қабулчи абонент PBX/PSTN кўнғироғига жавоб
 - масофадаги шлюз билан уланиш имконияти мавжудлиги
 - қабулчи абонент PBX/PSTN ўртасида уланиш имконияти
 - зичлаш, пакетлаш ва овоз сигналин тиклаш (ёки факс-сигнали)
- Шундай қилиб шлюз ёки Gateway — IP-телефония архитектурасининг асосий ва ажралмас қисмидир.


IP-телефония технологияси

IP-телефония тармоғи (тавсияга асосан G.711, G.723) IP-тармоғи бўйича куйидаги уланиш ускуналари орқа-

Web-сервер корпоратив тармоғи мавжуд бўлиб, веб-сервер фойдаланувчиларига интернет тармоғидан узилмаган ҳолда кўнғироқни амалга ошириш лозим.

Ечим:

Бир қатор телефон шлюзлари, масалан, VocalTec Ensemble Architecture веб-сервердан кўнғироқларни қайта ишлаб телефон аппаратига юборилишини таъминлайди. Мисол учун, plugin Surf&Call ни ўрнатган ҳолда фойдаланувчи веб-сервердан ташкилот ходимига телефон кўнғироғини амалга ошириши, бунда интернет тармоғидан узилмаган ҳолда, телефон рақамини термасдан компютернинг ўзидан фойдаланиш орқали (албатта, овоз картаси бўлган ҳолда). Бу ҳолатда кўнғироқ офис ходими телефон рақамга келиб тушади ва бошқа ходимга қайта йўналтириш (переадресация) ёки овозли почта кабиларга айланади.



Шухрат АХМАДЖОНОВ,
«Андижон Телеком» филиали
ЭАБ мутахассиси

Практические семинары по применению ИКТ

С 27 по 29 июля 2010 года в городе Фергана проходил практические семинары на тему: «Применение информационно-коммуникационных технологий в управлении в государственных органах» в рамках проекта «Узбекистан в цифровом формате XXI века».



Его организаторами выступали Узбекское агентство связи и информатизации, хокимият Ферганской области, Международный Женский Фонд «Shark Ayoli» (Ташкент), а также корпорация Microsoft и компания «Softline».

Семинары организованы с целью ознакомления руководителей организаций и предприятий государственного сектора по дальнейшему внедрению и развитию компьютерных и информационных техно-

гий у себя на предприятии.

На семинарах участникам представлены новейшие инновационные разработки корпорации Microsoft, построения грамотной ИТ-системы организации или предприятия, которые позволят последовательно оптимизировать и создавать эффективную, безопасную ИТ-инфраструктуру.

В ходе семинара обсуждались такие доклады как «Технологии и опыт Microsoft для Узбекистана — новые возможности Office 2010 и Windows 7», «ИТ-стратегии, как способ реализации бизнес-

целей компании», «Внедрение ИТ-решений в госсекторе: человеческий фактор. Повышение компьютерных навыков государственных служащих», «Развитие государства через ИТ-системы в образовании» и др.

Данные семинары играют важную роль в реализации государственной программы «Год гармонично развитого поколения» и будут способствовать дальнейшему внедрению, использованию современных компьютерных и информационных технологий в государственных учреждениях.

Цикл региональных семинаров в Андижане

С 28 по 30 июля текущего года в городе Андижан проходил очередной региональный тренинг в сфере информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), объединенный под общим названием «Использование ИКТ в государственном управлении», в котором принимали участие около 100 участников — это представители различных госучреждений, ведомств, агентств, представители местных хозяйствующих субъектов.

Сегодня в стране проводится поэтапная модернизация системы государственного управления на основе внедрения прогрессивных информационно-коммуникационных технологий, которая в свою очередь помогает сокращению отчетности и бумажного документооборота.

Целью проводимых тренингов является повышение осведомленности государственных служащих по различным направлениям и мировым тенденциям применения информационно-коммуникационных технологий в государственном управлении и обществе.

В ходе учебы подробно обсуждались процессы развития ИКТ в Узбекистане, различные аспекты применения информационных систем в государственном управлении, законодательная база в данной области, мировой опыт развития электронного правительства, вопросы его внедрения в Республике Узбекистан. Также

тренинги включают в себя сессии по демонстрации электронно-цифровой подписи и электронного документооборота, а также практические и групповые сессии по основам информационных технологий.

К учебному процессу привлечены ведущие отраслевые эксперты, имеющие практический опыт внедрения компонентов электронного правительства в Узбекистане.

Тренинг «Применение ИКТ в государственном управлении» является логическим продолжением цикла ИКТ-тренингов, проводимых Узбекским агентством связи и информатизации в целях выполнения задач, вытекающих из Государственной программы «Год гармонично развитого поколения».

Ранее такого рода тренинг-курсы проводились для представителей государственных учреждений городов Нукуса, Ургенча, Карши, Термеза, Самарканда, Навои, Бухары.

Пресс-служба УзАСИ

Состоялось очередное общее собрание участников Ассоциации предприятий и организаций информационных технологий Узбекистана. На собрании был заслушан отчет исполнительного дирекции об итогах деятельности в 2009 году, где отмечалась важная роль ИТ-ассоциации Узбекистана в процессах развития информационного общества в нашей стране.

Общее собрание участников ИТ-Ассоциации

Являясь неформальным профессиональным объединением ведущих ИТ компаний и организаций, Ассоциация смогла за недолгий срок своего существования превратиться в авторитетную организацию, реализующую широкий спектр общественно значимых мероприятий в сфере информатизации.

Ежегодно Ассоциацией, при официальной поддержке Узбекского агентства связи и информатизации, проводятся две тематические выставки в сфере информационных технологий «BEST SOFT UZBEKISTAN» и «ICTEXPO», а также Национальный форум программистов Узбекистана. В течении 2009 года при организационном содействии Ассоциации было проведено более 30 образовательных семинаров. С целью дальнейшей оптимизации действующего законодательства в сфере информационных технологий систематически проводятся круглые столы с участием представителей государственного управления и бизнес-сообщества.

Активно ведется деятельность Центра компетенции по электронному управлению созданного при ИТ-ассоциации. В соответствии со своими уставными целями Центр продолжает оказывать широкий спектр экспертных и консалтинговых услуг юридическим лицам по реализации крупных инвестиционных проектов в сфере информационных технологий.

Общее собрание участников Ассоциации детально обсудило проблемы повышения эффективности деятельности данной организации и наметило план перспективной работы. В ходе собрания были осуществлены мероприятия по выбору руководящих органов Ассоциации на ближайший год, по итогам которых в состав совета вошли представители следующих предприятий и организаций:

Узбекское агентство связи и информатизации

Журнал Infocom.UZ
 АК «Узбектелеком»
 СП ООО «Sarkor Telecom»
 ООО «Центр подготовки и поддержки молодых программистов»
 ГУП «UzInfoCom»
 ГУП «UNICON.UZ»
 ДП «Softline International»
 ООО «Intelligent Solutions»

ict.uz

ОБЪЯВЛЕНИЕ!

Листы лицензии серии АТ № 0028878 и серии АТ № 0028879 выданные ООО «СІВ GROUP» Департаментом по лицензированию и координации движения всех видов пассажирского транспорта Хокимията города Ташкента считать недействительными.

Ахборот:

Маълумотларга караганда, сайёрамизда ҳар кун электрон почта орқали 183 миллиард (бир сонияда 2 миллионга) хабар йўлланмоқда. Фойдаланувчилар кунига блогларда 1,6 миллионга муурожаат қолдиришяпти. Ҳар дақиқада YouTube медиасайтига умумий давомийлиги 20 соатни ташкил этувчи видеолар хабар жойлаштирилади.

Яқин икки йил давомида маълумотлар умумий ҳажми йилга олти баравар, корпоратив маълумотлар эса 50 баравар ошади. Жаҳондаги энг йирик – АҚШ Конгресси кутубхонасида унинг 210 йиллик тарихи мобайнида 29 миллионга китоб ва даврий нашрлар, 4,8 миллионга ҳарита, 2,7 миллионга ҳужжат ҳамда 57 миллионга манускрипт (қадимий кўл ёзма) тўпланган экан. Ҳозир-чи? Шунча маълумотни йиғиш учун беш йил кифоя.

Яна бир ўқаш ҳолат: XVIII аср кишии умри давомида олган маълумотни ҳозир New York Times газетаси бир ҳафтада чоп этапти.

Футуролог (кељаққунош)лар яқин йилларда мегабайтлар ўрнини терабайтлар эгаллашдан хабар беришмоқда. Масалан, 2015 йилга бориб бир йилда шаклланидиган ахборот ҳажми 92,5 миллионга АҚШ Конгресси кутубхонасиникига тенг бўлади. Корпоратив IP-трафик учун 100 эксабайт, яна 100 эксабайт филмлар кўчириш ва файл алмашиш мақсадларига, 400 эксабайт эса видеокommуникациялар ва вир-

туал оламлар фаолиятида ишлатилади.

Шунча ахборотни ишлашга, бошқаришга ёки оддийроқ ифодалаганда, «ҳазм қилиш»га инсоният шайми?

Бу жараёни Cisco компанияси консалтинг бўлими футурологи Дэйв Эванс қор кўчкисига ўхшатган. Унинг айтишича, «кўчки» ҳаффи ҳозир унча сезиларли эмас, бироқ яна 10-20 йил ўтиб шундай катта ахборот оқими пайдо бўладики, таъбир жоиз бўлса, йўлида учраган нарсани чилпарчин қилиб ташлайди, биз тасаввур қилиб ўрганган дунё бутунлай бошқача кўриниш олиши мумкин. Кељаққуношдан мўъжизалар олдиди инсоният 8000 йил давомида амалга оширган ишлар ҳеч нарса бўлмай қолди, дейди таниқли тадқиқотчи.

Эванс ўз мушоҳадаларини ахборот технологиялари соҳасининг яқин тарихи билан боғлайди. Бирин-

чи қаттиқ диск ишлаб чиқилган 1956 йили бир мегабайт ахборотни сақлаш тизими учун 78 минг АҚШ доллари сарфланган, шундай диск ўрнатилган «суперкомпютер» бир тоннадан ортиқ тош бостан.

Тахминан 2029 йилларга бориб атиги 100 долларга 11 петабайт маълумот сиғадиган тизимни сотиб ола бўлади – бу Эванснинг фикри. Петабайт бир квадриллион байт ёки 15та нуллик байт бўлиб, 11 петабайт, тасаввур қилинг, 1492 йилдан то бугунги кунгача рақамли камерада бетўхтов ёзиб олинган видео сиғимига тенг катталиқ. Шунда ҳам электрон хотирада бўш жой қолади. Хуллас, сақлаш тизимлари ҳажми ўсишига параллел равишда уларнинг қиймати пасайиб боради.

Тармоқ технологиялари соҳасида ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Ҳозир хонадонлар учун гигабайтлик каналлар синаб кўришмоқда, терабайтлик Ethernet технологияси устидаги ишлар ҳам илк на-

тижаларини берапти.

Ҳисоблаш технологиялари соҳаси астрономик ўзгаришларга учрайди, яъни 20-йилларнинг ўрталарига бориб квант компютерлар пайдо бўлади. Кўз олдингизга келтиринг: худди Ернинг катталигидаги беш мингта сайёра ва улар юзасида биронта бўш жой қолдирилмасдан кремнийли компютерлар жойлаштириб чиқилган. Энди эса молекула катталигидаги квант компютерни тасаввур қилинг. Мана шу митти компютернинг бир ўзи юқоридаги беш мингта «сайёра»даги компютерлар билан беллаша олади. Ҳўш, унинг нархи қанчага тушади? Солиштириб кўрамиз: бугунги кунда ўртача 1000 долларлик шахсий компютер ҳисоблаш қуввати инсон миясига нисбатан 2-3 фоизга тенг. 2050 йилда эса 1000 долларлик компютер ўша пайтга бориб 9 миллиардни ташкил этувчи жами инсоният мияси билан баравар ишлай олади.

Кеча, бугун, эртага



Италия почтаси (Poste Italiane) – Европадаги энг муваффақиятли фаолият юритаётган почта операторларидан бири. Машҳур Fortune журнали Италия миллий компаниялари орасида мунтазам «Тахсинга сазовор компаниялар» рейтингини ўтказиб келади ва унда икки йилдан буён иккинчи ўринни юксак молиявий кўрсаткичлари натижасида Poste Italiane банд этиб келмоқда.

Дунёдаги бошқа почта операторларидан фарқи равишда, у жаҳон иқтисодий инқирози пайтида ўз вий барқарорлик издан чиққан бир шароитда италияликлар ягона умидни Италия почтасидан излашди – уларнинг пуллари мамлакатнинг ишончсиз банк тизимига эмас, балки почтага оқиб келаверди. Натижа эса қафдгаддек намобён – Италия почтаси мамлакатдаги энг йирик омонат жамғармалари банкига айланди.

Тарихга назар ташласак, Poste Italiane фаолият йўллари доим ҳам ра-

Poste Italiane: Инкирозни ютукка айлантирган компания

➔ JAHON POCHTASI



вон бўлмаганига гувоҳ бўламиз. Бугунги молиявий муваффақиятлар ҳам аслида ўтган асрнинг 90-йилларида бошланган кенг қўламли замонавийлаштириш чора-тадбирлари мевасидир.

Италия почтаси – давлат почта хизмати. У стандарт хизматлардан ташқари, коммуникация, логистика ва молиявий хизматларни кўрсатади. Компаниялар гуруҳининг 65 фоиз акциялари Италия иқтисодиёт ва молия вазирлиги қўл остида бўлса, қолганига Cassa Depositi e

Prestiti S.p.A давлат компанияси ҳўжайинлик қилади.

Poste Italiane компаниялар гуруҳи тўрт бизнес-йўналиш: Почта хизматлари, Почта банки, Экспресс-элтув ва курерлик хизматлари ҳамда Филателияни ўзида бирлаштирган.

Сўнги йилларда хизматлар тури ва сифатини ошириш мақсадида италиялик почтачилар мажмуавий замонавийлаштиришга катта эътибор қаратишган. Оқилона стратегия, инфратузилмага катта сармоя киритиши, ходимлар малакасини ошириш каби узоқни кўзлаб қилинган ишлар натижасида почта таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди: янги почта бўлимлари, такомиллашган саралаш цехлари, миқозларга кўрсатилётган хизмат маданиятига ҳар қандай европалик ҳавас қилади. Италия почтасининг бизнесни бошқариш маҳорати Standard&Poor's рей-

тинг агентлиги томонидан ҳам жуда юқори баҳоланди.

Ҳар йили Италия почтаси 3 миллиард атрофидаги почта жўнатмаларини манзилга етказди. Ваҳоланки, Poste Italianeнинг ички жўнатмалар бозоригаги улуши – атиги 5 фоиз. Умуман олганда, йиллик айланмаси тахминан 1 миллиардни ташкил этувчи Италия жўнатмалар бозорига рақобат жуда кучли. Чунки почта фаолияти билан шуғулланиш учун 1600та оператор лицензияга эга. Ички бозор ва четта жўнатмаларни етказишда голландларнинг TNT Post компанияси энг катта рақиб ҳисобланади. Шунга қарамасдан, 50 граммгача хатларни етказиш бўйича монопол ҳуқуқ Poste Italianeнинг етакчилигини кераклигича кафолатлайди: компания почта амалиётларидан энг яқин рақобатчисига қараганда беш баравар кўп даромад олмақда. Тўғри, давлат қўллаб-қувватлашям катта аҳамиятга эга. Масалан, ҳукумат қарори билан Италия почтаси хизматлари орасидан 45 евроцентлик стандарт хатларни етказиш олиб ташланди. Энди Poste орқали жўнатилган ҳар бир хат учун 60 евроцентдан кам ҳақ тўланмайди.

(Давоми бор.)

Италия почтасининг янги тарихи

- 1998 йил – Poste Italiane давлат агентлигидан масъулияти чекланган давлат акциядорлик компаниясига айлантирилди
- 2000 йил – Почта бўлимларини замонавийлаштириш бошланди
- 2000 йил – Poste Italiane бутун энг оммалашган Conto BancoPosta омонат жамғармаси ҳисобини очди
- 2002 йил – 50 йиллик танаффусдан кейинги илк молиявий фойда

Бунёдкор юрт фарзандлари

Кишлоқларимиз ҳаёти, унинг кифёси, аҳолисининг турмуш тарзи ва савиясини орттиришда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни юқори.

Президентимизнинг 2009 йил 9 декабрдаги «Барқамол авлод йили Давлат дастури»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида

нинг курслари ташкил қилинди. Мазкур ўқув тренингининг мақсади ёзги таътил вақтида ТАТУ Нукус филиали талабаларидан таркиб топган «Бунёдкор ёшлар» гуруҳлари ёрдамида республикаимиз шаҳар ва туманлари аҳолисини замонавий АКТ билан таништириш

лари билан ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан амалий фойдаланиш, саводхонлигини ошириш учун яратилаётган бундай имкониятлардан самарали фойдаланишга муваффақ бўлишмоқда.


Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд 14та туман (Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Амударё, Хўжайли, Шуманай, Қанликўл, Қўнғирот, Нукус, Кегайли, Қораўзак, Чимбой, Тахтақўпир, Мўйноқ) ва 2та шаҳар (Нукус, Тахиятош)да АКТ ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш бўйича 32 нафар иқтидорли талабалар ва 16 нафар профессор-ўқитувчилар томонидан амалий машғулотлар олиб борилди.

Ўқув курслари давомида машғулотларда фойдаланиш учун компютер, ахборот технологиялари бўйича ўргатувчи мультимедиа интерфаол дастурий висталар билан таъминланди.

Ўқув машғулотлари 4 ҳафтага тақсимланган бўлиб, уларда ҳудуддаги барча корхона ва муассасалар ходимлари, ўқувчи ёшлар, шунингдек, қатнашиш истагини билдирган аҳолининг барча қат-



ТАТУ Нукус филиали 3-босқич талабаси Гулбаҳор ЕШМУРАТОВА (ўнган биринчи) Қораўзак иқтисодиёт ва маъиший хизмат КХҚда машғулотлар олиб борди.



ТАТУ Нукус филиали 3-босқич талабаси Дилнора МУСАЕВА Қанликўл саноат-транспорт КХҚда амалий дарс пайтида.

2010 йил 5 июлдан 30 июлга қадар республикаимиз аҳолисини замонавий ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари билан таништириш, уларнинг компютер саводхонлигини ошириш ҳамда амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқув тре-

ва уларнинг компютер саводхонлигини оширишдан иборат. Хусусан, республикаимиз бўйлаб аҳолининг турли қатламлари, жумладан, мактаб ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, абитуриентлар, шунингдек, нафақа ёшдагиларнинг аксарияти ҳам ўз хоҳиш-истак-

ламлари иштирок этди. Ўқув курсининг биринчи ҳафтасида асосан, ҳудудлардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ходимлари, шунингдек, алоқа тармоғи ходимлари, ўқув курсининг иккинчи ҳафтасида эса ҳудудлардаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари иштирок этиши режалаштирилган эди. Биринчи ҳафта якунига кўра, жами 289 нафар, иккинчи ҳафта якуни бўйича эса 323 нафар тингловчилар компютер саводхонлиги, интернет ва унинг бугунги кундаги имкониятлари бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлдилар. Курснинг учинчи беш кунлигида таълим олаётган тингловчилар орасида ҳар хил ташкилот ва корхоналар ходимларидан ташқари уй бекала-

ри, мактаб ўқувчиларини ҳам учратиш мумкин эди. Бу эса ўз навбатида бугунги глобаллашув жараёнида аҳоли барча қатламларининг замонавий АКТ ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлишларига имкон яратди.

Айтиш керакки, ёшларимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда ёшларимизни барқамол инсонлар қилиб тарбиялаш, замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиш учун, уларни ҳаётда ўзларининг муносиб ўрнини топиши учун бу каби ижобий ишларнинг амалга оширилиши диққатга сазовордир.

Музаффар АБДУЛЛАЕВ,
ТАТУ Нукус филиали
ўқув бўлими бошлиғи

Барча ерда бўлганидек, Бухоро вилояти корхона, ташкилотлари ўқув муассасаларида ҳам «Бунёдкор ёшлар» ўқув отрядлари томонидан ёшлар ҳамда давлат органлари ходимларида ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмалари ва тажрибасини шакллантириш мақсадида компютер саводхонлиги машғулотлари ўтказилди.

Ана шундай машғулотлардан бири Бухоро шаҳридаги иқтисодиёт ва банк коллежиди ташкил этилиб, уни Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали талабалари Феруз Ҳакимов ва Облоберди Зариповлар олиб бордилар. Ўқув машғулотларининг «Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш бўйича тренинг курслари қўлланмаси» бўйича йўлга қўйилганлиги ушбу жараёнда кутилган сифат ва самарадорликка эриштирилиши таъминланди. Тингловчилар ахборот технологиялари бўйича мультимедиа ИСОFT.UZ интерфаол ўргатувчи дастурий мажмуа таркиби ҳамда UzMOT эркин ва очиқ кодли амалиёт тизими билан ақиндан таништирилди. Уларга Windows XP амалиёт тизимидан фойдаланиш, Windows Word, Microsoft Excel муҳаррирларида ишлаш мавзулари бўйича тўлиқ тушуنча ва мавлумотлар берилди. Microsoft Power Point тақдимотлар дастури мавзула-

КОМПЮТЕР САБОКЛАРИ:

Хунарни асрабон нетгумдир охир...

ри ҳам тингловчиларни бефарқ қолдиргани йўқ. Машғулотлар иштирокчилари, бундан ташқари, интернет ва Internet Explorer ва электрон почта ҳамда Outlook Express дастурларида ишлаш юзасидан ҳам маълум кўникмага эга бўлдилар.

«Ўқув машғулотларидан катта таассурот олдим, — дейди Ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ахборот-библиография бўлими ходими Зилола Хўжаева. — Машғулотлар давомида олган назарий билим ва амалий кўникмаларим бундан кейинги иш фаолиятимда асқотиши турган гап».

Умуман, вилоят бўйича Галаосиё педагогика коллежи, Вобкент иқти-

сод касб-ҳунар коллежи, Жондор саноат касб-ҳунар коллежи, Когон саноат транспорт коллежи, Олот кишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи, Пешку саноат касб-ҳунар коллежи, Қорақўл саноат ва транспорт коллежи, Ромитан саноат касб-ҳунар коллежи, Қоровулбозор саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи, Шофиркон маъиший хизмат коллежи ҳамда

Ғиждувон тиббиёт коллежиди «Бунёдкор ёшлар» отрядлари томонидан ўқув машғулотлари ташкил этилди. Бу ўқувларда жами 800дан ортиқ тингловчилар иштирок этди. Улар орасида вилоят алоқа корхоналаридан — «Бухоро Телеком» филиали, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Бухоро филиали, «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонаси, Бухоро радиотелевидение узатиш маркази, вилоят АКМ, ALSKOM сугурта компанияси, 5-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси ишчи-хизматчилари ва муҳандис-техник ходимлари бор.

Вилоятдаги ўқув машғулотларини юқори савияда ўтказишда ТАТУнинг Самарқанд филиали иқтидорли талабаларидан — Аббор Мансуров, Азиз Умурзоқов, Сирожиддин Мавлонов, Жаҳонгир Соибов, Исо

Убайдуллаев, Нусрат Исмоилов, Фарруҳ Аҳмедов, Раҳмон Эшимов, Шерали Алланазаров, Зуфар Дилманов, Низом Абдувоҳидов, Акмал Аҳмедов, Нодир Тошев, Феруз Раҳматов, Элёр Хайриев, Бекзод Хўрозов, Бекзодхон Вафоев, Жўрабек Эшмуродов, Исмоил Мелиев, Мақсуд Ҳошимов, Жаҳонгир Мирзаев, Жавлон Бекназаровлар ўз гуруҳ раҳбарлари — малакали педагог Ўткир Саидов бошчилигида алоҳида жонкуярлик, ёшларга хос тиришқоқлик намуналарини кўрсатдилар.

Улар олий ўқув юртида олган назарий билимларини амалда таъбиқ этиб, компютер саводхонлиги бўйича режалаштирилган барча машғулотларнинг юқори даражада ўтказилишини таъминладилар. Шу тариқа ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёти ва кундалик турмушида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа восталари, интернет тизимининг мустаҳкам ўрин олишида ТАТУ иқтидорли талабаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади.

Ўз устозлари ишончини талаб даражасида оқлаётган Тошкент ахборот технологиялари университети иқтидорли талабаларининг ушбу йўналишдаги бундан кейинги ишлари ҳам эл-юртимиз манфаатлари, халқимиз фаровонлиги йўлида бўлишга шубҳа йўқ.

Асқар ИСТАМОВ,
«Xabar»нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири

ХАТИРЧИЛИКЛАР

«Бунёдкор ёшлар»дан миннатдор

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни кенг жорий этиш ва ўзлаштириш максатида ташкил этилган ўқув тренинглари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилганлиги тўғрисида аввал хабар қилган эдик.

Ана шундай ўқув машғулотлари Хатирчида ҳам самарали ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университети Хоразм филиали талабалари — Дониёр Нуруллаев ҳамда Гофир Эшжоновлар тумандаги академик лицей ва коллежлар, мактаблар ўқувчи ва ўқитувчилари иштирокида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ходимлари, маҳаллий ҳокимлик органлари, корхона ва ташкилотлар ходимларини жалб қилган ҳолда ўқув тренинглари олиб бордилар.

— Авваллари ҳам турли ўқув машғулотлари, семинарлар ўтказиларди, — дейди С.Худойкулов номидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби математика-информатика ўқитувчиси Латофат Саноқулова. — Аммо бу йилги ўқувлар бизда бошқача таассурот қолдирди.

— Бугунги давр ва замон талабига мос бундай отрядларни ташкил этган, қишлоқ ёшларининг замонавий компьютер технологияларига бўлган қизиқишларини инобатга олган, ёшларнинг орзу-интилишларини рағбатлантириш-

га қодир ўқувларнинг интерфаол усулларда олиб борилишини таъминлаган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан миннатдоримиз, — дейди тумандаги 78-умумий таълим мактаби математика-информатика ўқитувчиси Меҳринисо Ботирова.

Ўқувларнинг самарали ўтишини ташкил этишда Агентлик тизимидаги тегишли ташкилот ва корхоналар, ҳудудий бошқарма ҳамда филиаллар томонидан етарли шарт-шароитлар яратиб берилди. Жумладан, Хатирчи туманида машғулотларнинг қизиқарли ва самарали ўтишини таъминлашда вилоят Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Гофиржон Орзиқуловнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Хабар»нинг

Навоий вилоятидаги мухбири

«Баркамол авлод йили Давлат дастури»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, дастур доирасида аҳолини замонавий ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари билан таништириш ҳамда улардан амалда фойдаланиш борасида «Ўзбектелеком» АК «Кашкадарё Телеком» филиали жамоаси учун ҳам жорий йилнинг биринчи ярми муҳим ўзгаришлар, янгиликлар, изланишлар даври бўлди.

ИЗЛАНИШ

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошланган хайрли ишлар давом эттирилиб, филиал алоқачилари ҳар қачонгидан ҳам самарали меҳнат қилдилар. Ярим йилликда вилоят бўйича режада кўрсатилган 45та телефон нуқтаси ўрнатилди. Йил охирига қадар режага биноан 100та телефон нуқтаси қўйилади. Магистрал кабеллар, дизел генераторлар, аккумулятор батареялари таъмирланди. Ҳозирда филиал хизмат кўрсатадиган телефон аппаратлари сони 52526та бўлса, шундан 19280таси қишлоқ жойларига тўғри келади.

Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2010 йилнинг олти ойи давомида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувлар, қишлоқ АТСларидан, интернет хизмати ва кўрсатилаётган бошқа хизмат турларидан 1,876 миллиард сўмдан ортиқ даромад олинди. 2009 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 1 миллиард 552 миллион сўмдан ошганди. Даромаднинг ўсиши билан бирга, ишчи-ҳодимларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Қарши ва Термиз шаҳри оралиғида давлат аҳамиятига молик магистрал халқаро оптик толали алоқа линияси қурилиб, ишга туширилди. Ушбу трасса йўналишидаги Гузор, Деҳқонобод ва Қорашина масканларида янги рақамли АТСлар мазкур алоқа линиясига уланиш имконини берди. «TELMAX-ELEKTRONIKS»да ишлаб чиқарилаётган кичик сифмлик коммутация қурилмаларини бошқичма-бошқич ўрнатиш ишлари жадал олиб борилаётган. Қишлоқ жойларига «Коинот Эл-СГМ» рақамли коммутация қурилмалари кириб бормоқда.

Вилоят бўйича рақамлаштириш даражаси 84,0 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, мактаб, коллеж ва аҳоли хонадонларига интернет тармоғини олиб кириш, электрон маълумот узатиш, видео-аудио конференциялар ўтказиш имкони пайдо бўлди.

Вилоят аҳолисига филиал томонидан юқори тезликдаги интернет хизмати (ADSL) кўрсатила бош-

ва самаралар

лаганига кўп вақт бўлмасда, айна пайтда 822та абонент бу хизмат туридан фойдаланмоқда. Келгусида жойларда ишга туширилган «Эл-СГМ» ускуналарига интернет порт қўйилиб, ADSL модемлари кенг ишлатилади. Филиал томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 477та ADSL модемлари ўрнатилди.

Кўшимча хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, уни ҳаётга кенгроқ татбиқ этиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Вилоятда «Ўзбектелеком» АКнинг «Телеком наслчилик» шўъба корхонаси фаолият кўрсатаётганига кўп бўлгани йўқ. Тивит жунли ангор эчкилар етиштиришга ихтисослашган ҳўжалиқнинг асосий вазифаси ангор эчкилар бош сонини кўпайтиришдан иборатдир. Деҳқонобод туманидаги тоғли ҳудудда қўтон ва чўпонлар уйи ташкил этилди. Навоий вилоятидан 500 бош ангор эчкилари келтирилган бўлиб, уларнинг сони ҳозирда 1514тага етди. Узоқ муддатга 108 гектар ер ижарага олинди, эрта баҳорда қилинган меҳнат самараси натижасида анча тонна арпа йиғиштирилиб, саранжамланди. Олдинда жун титадиган цех ва эчки сутини қайта ишлаш корхонасини бунёд этиш вазифалари турибди.

Аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, ахборотлаштириш асрида халқимизнинг талаб-истакларини қондириб, уларни сифатли алоқа хизматидан баҳраманд этиш асосий вазифа эканлигини дилдан ҳис этаётган филиал алоқачиларининг Баркамол авлод йилидан ҳам умид ва ниятлари улкан.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
«Хабар»нинг

Кашкадарё вилоятидаги мухбири

«Beeline Club» 3G-модемлар ўйинини ўтказди

«Билайн» «Beeline Club» дастури қатнашчилари ўртасида 3G-модемлар ўйинини ўтказди.

23 июл кун «Юнител»нинг бош офисига «Beeline Club» бонус дастури қатнашчилари ўртасида «Билайн» USB-модеми хизмати 3G-модемларнинг бешта комплекти ўйналди.

Акцияда клубнинг 28 июндан 18 июлгача бўлган даврда уланган янги ва амалдаги қатнашчилари иштирок этишди.

Воқеани изоҳлар экан, «Юнител» жамоатчилик билан алоқалар бўйича катта менежери Ораз Абдуразоқов шундай деди: «Бизнинг бошқа кўпгина акцияларимиз сингари, мазкур акция ҳам жуда ижобий кутиб олинди. «Beeline Club» — компаниямизнинг фаол абонентларини бирлаштирадиган барқарор ривожланаётган лойиҳа».

Тадбир, ўзлари ҳам иштирок этиб, голибларни аниқлашга қўмаклашган 6 ёшдан 76 ёшгача бўлган ўнлаб хоҳловчиларни тўплади. Бундан ташқари, танловнинг интерфаол усули голиблар айнан абонентлар томонидан аниқлаб берилишини назарда тутганди. Якунда, рақамларни ошкор қилиб, голибларнинг рақамларини аниқлашда фаол иштирок этган танлов қатнашчиларининг кўпчилиги компаниянинг йўл-йўл эсдалик совғаларини олишди. Беш нафар омади келган абонент эса «Билайн» дан 3G-модемларга эга бўлди.

«Beeline Club»га аъзо бўлиш давом этмоқда: компаниянинг ҳар бир миждо *777#га бепул сўров жўнатиб, дастлабки 20 бонусли балларни қўлга киритиши мумкин. Кейинчалик балларни мулоқот дақиқаларига ва СМСга алмашиш мумкин.

UCell: Интернет учун янги акция

UCell юқори тезликдаги интернетга эга бўлишни истаганлар учун янги таклиф — «Strike» акциясини тақдим этмоқда.

Энди акцияда иштирок этаётган абонентлар махсус «3G модем» тариф режасидаги SIM-карталиқ 3G USB модем, бир йил давомида ҳар ой 50 Мб трафик, абонентнинг мобил телефонига мобил интернет учун 30 Мб олишлари мумкин.

3G модем — уяли алоқа тармоқлари орқали интернетга уланишнинг энг қулай усули. Модемни компьютерга улаш кифоя ва интернет олами сизга мунтазир.

Уланиш UCellнинг ўз сотув марказларида ва расмий дилерлик пунктларида амалга оширилади. 50 Мб интернет трафиғи сифатидаги бонус уланиш кунидан бошлаб ҳар ой, бир йил давомида тақдим этилади.

Мобил телефонга мобил интернетдан 30 Мб олиш учун махсус USSD-сўров жўнатилиши лозим. 30 Мб фақатгина UCellнинг актив ҳолатидаги Prepaid тизимидаги абонентларига берилади.

Ушбу акция фақатгина UCell Prepaid тизимидаги абонентлар учун тақдим этилади. Акция нархи — тўлов амалга оширилган кун Узбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган валюта қиймати асосан \$50 (ҚҚС билан).

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»нинг 49-бандига асосан:

«Мақсуд-Зафар» фермер хўжалигининг (Қарши ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002681 рақамли;

«PRO-TEKNIKA» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001964 рақамли;

«RUSTECH MONTAJ» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002747 рақамли;

«ABDUSALOM OQIBAT» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001994 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 12 июлдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»нинг 49-бандига асосан:

«Терра-Дон» хусусий корхонасининг (Қарши ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002022 рақамли;

«AVM RADIONET» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001481 рақамли;

«ALOQA SHAMS SERVIS» масъулияти чекланган жамиятнинг (Навоий вилояти) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002682 рақамли;

«ANVORUL-SHAMS» хусусий фирмасининг (Бухоро ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001914 рақамли лицензияларнинг амал қилиши тугатилди.

«GLOBALNET» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001428 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 26 июлдан тугатилди;

мазкур лицензиянинг мuddатига мос равишда маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга лицензия расмийлаштириб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат бож миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 421-қарорига, шунингдек, 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»нинг 45-бандига асосан:

«TVI SHIRCHIQ TELEVISION» масъулияти чекланган жамиятнинг (Чирчиқ ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003213 рақамли;

«AVIOTRANSSTROYMEXANIZATSIYA» ОАЖ «NAVOYENERGOALOQA» шўъба корхонасининг (Навоий ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001868 рақамли;

«Сурхон электр алоқа махус таъмирлаш» масъулияти чекланган жамиятнинг (Термиз ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001413 рақамли;

«Хаёт» телерадиокомпаниясининг (Сурхондарё вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003189 рақамли;

«TEMIR XIZMAT» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002550 рақамли;

«СИНЧКОР» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг (Термиз ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001865 рақамли;

«ФАЗО» телевидениесининг (Навоий ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001969 рақамли;

«Телеком-А» хусусий фирмасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001886 рақамли;

«Алоқа таъмир таъминот» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг (Қарши ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001970 рақамли;

«TASHSOTTA MIRQRILISH» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли

0002000 рақамли;

«FAYZ-TELEKOM» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002146 рақамли;

«Энергопром Авто Строй» масъулияти чекланган жамиятнинг (Фаргона вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002289 рақамли;

«АЛОҚА-ТЕЛЕ-ЛЮКС» хусусий корхонасининг (Қарши ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002406 рақамли;

«PARKET-ELIT» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002383 рақамли;

«PRONTO TELEKOM PLUS» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002153 рақамли;

«Кароматилло-Файз» хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002255 рақамли;

«Кароматилло-Файз» хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002256 рақамли;

«Кароматилло-Файз» хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002257 рақамли;

«Mirjalol qurilish shixtari» хусусий корхонасининг (Бухоро вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002659 рақамли;

«CELL TECHNOLOGY COMMUNICATION» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002672 рақамли;

«CELL TECHNOLOGY COMMUNICATION» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002701 рақамли;

«Шеробол туман маҳаллий телевидениеси»нинг (Сурхондарё вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001883 рақамли;

«ALFA TELEKOM» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.)

кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002725 рақамли;

«VASCO TECHNOLOGY SERVIS» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002823 рақамли;

«Умид телеком» масъулияти чекланган жамиятнинг (Хоразм вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002553 рақамли;

«Муҳаммад-БКЗ» кўп тармоқли хусусий корхонасининг (Жиззах ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001537 рақамли;

«ТЕХКАФОЛАТ» хусусий фирмасининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001597 рақамли;

«TEXNO-AVTOMATIKA» хусусий фирмасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001605 рақамли;

Денов «АТР» телевидениесининг (Сурхондарё вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001638 рақамли;

«ALEKSA-BIZNES» хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002063 рақамли;

«SYSTEM TECHNOLOGY» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) телерадиоастирулар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0000615 рақамли;

«Джал» фирмасининг (Самарқанд ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002526 рақамли;

«Жаббор Жалил» фермер хўжалигининг (Бухоро вилояти) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002533 рақамли;

«ZIYODA» хусусий корхонасининг (Фаргона вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002977 рақамли;

«NURONIY-TEXNO NIMOYA» шўъба корхонасининг (Тошкент вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001510 рақамли;

«TOSHKENT TELEKOM MONTAJ» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001907 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 27 июлдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

OBUNA-2010

Обуна давом этмоқда

Қадрли муштарийлар!
 «Хабар» газетаси иккинчи ярим йиллик учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлимлари ва «Matbuot tarqatuvchi» АК шохобчаларида обуна бўлишинизни мураккаб.

Газета ҳафтанинг жума кuni, 16 саҳифада, тўлиқ теледастурлар билан чоп этилади. Шошлинги, обуна давом этмоқда.

Xabar — Сизнинг газетангиз!
 Нашр кўрсаткичи — 228.

«Ўзбектелеком» АК
 «Андижон Телеком» филиали жамоаси ЭАБ стакии мустахкам Сойибжон АЛИМОВни 50 ёши тўлиши муносабати билан самимий табриқлайди. Унга узоқ-умр, сўхат-саломатлик, оқилоғий хотиржамлик, фарзандлари ва набиралари камолини кўриб юришлигини тилайди.

«Ўзбектелеком» АК
 «Андижон Телеком» филиали жамоаси ЭАБ стакии мустахкам Сойибжон АЛИМОВни 50 ёши тўлиши муносабати билан самимий табриқлайди. Унга узоқ-умр, сўхат-саломатлик, оқилоғий хотиржамлик, фарзандлари ва набиралари камолини кўриб юришлигини тилайди.

«Ўзбектелеком» АК
 «Андижон Телеком» филиали жамоаси ЭАБ стакии мустахкам Сойибжон АЛИМОВни 50 ёши тўлиши муносабати билан самимий табриқлайди. Унга узоқ-умр, сўхат-саломатлик, оқилоғий хотиржамлик, фарзандлари ва набиралари камолини кўриб юришлигини тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят Электромасини молашуу хизмати жамоаси шу хизмат раҳбари Зойджон АХМЕДОВни 55 ёши тўлиши билан табриқлайди. Унга мустахкам соғлиқ, узоқ умр ва оилавий хотиржамлик тилайди.

Сурхондарё вилояти «Матбуот тарқатуучи» шўъба корхонаси жамоаси Термиз шаҳридаги 29-матбуот дукони сотуучиси Тимуржон ИСАЕВни кутлуғ 50 ёши билан мураббабод этиди. «Элга эзгулик улашини йўлида ҳормай-тоғмай хизмат қилаверинг, Тимуржон!» — дейишмоқда ҳамкасблар.

SOHA FUTZALI

Саралаш турнири: ТШТТ, ТАТУ, ШАК ва Билайн мuddатидан аввал финал йўлланмасини хал килди



Ўзбекистон Миллий университети спорт залида футбол бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши Кубоги учун Тошкент шаҳри ҳудудий-минтақавий саралаш мусобақаларининг тўртинчи ва бешинчи тур ўйинлари ўтказилди.

4-тур
ТШТТ-2 – Билайн – 1:5
ТШТТ – Алоқабанк – 15:1
ШАК – ТАТУ – 3:0
ШАК – UzNET жамоалари ўртасидаги ўйин бошқа кунга қолдирилди.

5-тур
ТАТУ – ТШТТ – 2:2
Алоқабанк – ТШТТ-2 – 3:3
Билайн – ШАК – 4:4

Саралаш гуруҳи ўйинлари жаввали:

№	Жамоа	Ўйин	Ғалаба	Дуранг	Мағлубият	Т-Н	Очко
1	ТШТТ	5	3	2	0	34-8	11
2	ТАТУ	5	3	1	1	21-11	10
3	ШАК	4	2	2	0	20-10	8
4	Билайн	5	2	1	2	18-23	7
5	UzNET	3	1	0	2	5-12	3
6	ТШТТ-2	4	0	1	3	8-20	1
7	Алоқабанк	4	0	1	3	10-36	1

“Саралаш баҳсларида бешта учрашувдан 11 очко тўплаган ТШТТ ҳамда 10 очко жамгарган ТАТУ, тўртта ўйинда 8 очко тўплаган ШАК, 7 очко билан Билайн жамоалари мuddатидан аввал финал босқичи йўлланмасини қўлга киритишди. — дейди мусобақа бош котиби С.Абдуғаниев. — Демак, яна икки йўлланма учун кураш UzNET, Алоқабанк ва ТШТТ-2 жамоалари ўртасида кечадди.

Таҳлил қиладиган бўлсак, ТШТТ-2 жамоаси 4 ўйинда 1 очко тўплаган. Олдинда ТАТУ ва ТШТТ жамоалари билан иккита учрашув. Жамоа имконияти ва мавжуд вазиятга қараб, ТШТТ-2 жамоаси умумий ҳисобда 4 очко жамғаришини тахмин қилиш мумкин.

UzNET жамоаси учта ўйинда 3 очко тўплаган. Олдинда ШАК, Билайн ва Алоқабанк жамоалари билан учрашувлар кутиб турибди. UzNETнинг ШАК ва Билайндан очко олиши жуда қийин масала, лекин Алоқабанк билан ўйин бу масалага ойдинлик киритиши мумкин. Агар ўзаро ўйинда Алоқабанк жамоаси ғолиб чиқса, уларда 4 очко билан кейинги босқичга чиқиш умиди сақланади. Ўйин дуранг ёки UzNET ғалабаси билан якун топса, Алоқабанк финал босқичи йўлланмасидан маҳрум бўлиши мумкин. Чунки банкчилар ҳисобида тўрт учрашувдан сўнг 1 очко бор. UzNETдан ташқари, ШАК билан ҳам баҳс юртиш лозим. ШАКнинг бу йил кўрсатаётган ўйинларига қараб, улардан Алоқабанкнинг очко тортиб олишини тахмин қилиш қийин. Нима бўлганда ҳам шиддатли ўйинлар ҳали давом этади”.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА:

ФУТБОЛ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги финалида Ғузорнинг “Шўртан” ва пойтахтнинг “Бунёдкор” жамоалари баҳс олиб боради.

Кореянинг «Сеул» клуби сафига бориб қўшилган Сервер Жепаров янги жамоаси таркибида илк бор майдонга тушди. Корея лигаси кубогининг ярим финалида «Сувон Самсунг Блюингз» жамоасини ўз майдонида қабул қилган «Сеул» клуби 4:2 ҳисобида ғалаба қозонган.

ВОКС

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўсмирлар ўртасида бокс бўйича халқаро турнир ўтказилди. Ўн бир мамлакат вакиллари иштирок этган турнирда мамлакатимиз боксчилари биттадан олтин, кумуш ва бронза медални қўлга киритган. 63 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Акмал Қосимов финалда россиялик Заур Абдуллаевни ҳам доғда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди.

ЭРКИН КУРАШ

Венгриянинг Будапешт шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида эркин кураш бўйича 84 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Субҳонжон Тошпўлатов бронза медал соҳиби бўлди.

TENNIS

Пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимидаги кирувчи «NBU Cup-2010» турнири ёш теннисчиларимиз учун муваффақиятли якунланди. Ўсмирлар мусобақасида Абдуворис Саидмухаммедов бош совринни қўлга киритди. Жудғликлар ўртасидаги баҳсда ҳам Пулат Бобожонов ва Жаҳонгир Жалолов, қизлар ўртасида эса Нателла Набиева ва Алиса Огородовалар дуэти бош совринни қўлга киритди.

Ўтиш турнири: Тошкент почтамти ва Ucell ўз гуруҳларида яққол пешқадам

“Тошкент шаҳар ўтиш турнири”нинг навбатдаги тур ўйинлари ҳам қизиқарли баҳсларга бой бўлди.

“А” гуруҳи. 3-тур

PPTM – МАТБ – 1:3
Тошкент почтамти – ДАИ – +:-
Матбуот тарқатувчи – МТС –
Ўзбекистон – 0:6

4-тур

ДАИ – Матбуот тарқатувчи – 1:4
Тошкент почтамти – МАТБ – 9:5
UzMobile – PPTM – 2:2

“Ўтиш турнири”нинг “А” гуру-

ҳидаги тўртинчи турдан ўрин олган марказий учрашув Тошкент почтамти ва Махсус авария-тиклаш бошқармаси жамоалари ўртасида кечди. Бу баҳс ғолиби гуруҳда яққол етакчилиكنи қўлга киритар эди. Шу сабабли иккала жамоа баҳога пухта тайёргарлик кўрганни ўйин бошиданоқ сезиш мумкин эди. Икки жамоанинг жисмоний имкониятлари тенг бўлсада, Почтамт жамоасининг тактик ва техник имкониятлари биров устунроқ эди. МАТБ илк дақиқаларда узоқ масофадан рақиб дарвозасини ишғол қилишга ҳаракат қилди. Бу борада жамоа сардори Илҳом Мўминовнинг бир неча ўта кучли зарбалари эсда қоларли бўлди.

Почтамт жамоаси эса тўп назоратига кўпроқ эътибор қаратиб, ўйинни комбинацион равишда олиб боришга интилиди ва пухта тайёргарлик кўрган ҳолда тўпни рақиб дарвозаси томон йўллашга ҳаракат қилди. Ўйин мобайнида ташаббус бир жамоадан иккинчисига ўтиб турди. Якунда 9:5 ҳисоби билан пойтахт почтачиларининг қўли баянд келди.

“Ўтиш турнири”нинг “А” гуруҳи ўйинлари жаввали:

№	Жамоа	Ўйин	Ғалаба	Дуранг	Мағлубият	Т-Н	Очко
1	Тошкент почтамти	4	4	0	0	28-6	12
2	МТС	3	2	0	1	16-5	6
3	МАТБ	3	2	0	1	17-10	6
4	PPTM	4	1	1	2	11-15	4
5	UzMobile	3	1	1	1	8-15	4
6	Матбуот тарқатувчи	3	1	0	2	5-21	3
7	ДАИ	4	0	0	4	5-16	0

“В” гуруҳи. 3-тур

Unicon.uz – Alskom – 0:1
ТошТТС – ЭМММ – 4:7
Мониторинг маркази – Ucell – 1:5

4-тур

Alskom – Ucell – 2:5
ЭМММ – Мониторинг маркази – 1:4
Unicon.uz – ТошТТС – 0:1

“Ўтиш турнири”нинг “В” гуруҳида учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб келаётган ЭМММ жамоаси 4-турда кутилмаганда Мониторинг маркази жамоасига ўйинни бой бериб қўйди. Бу натижа Ucellга қўл келди. Барча учрашувларда ғалаба қозонган мобил компания футзалчилари гуруҳда биринчи ўринга кўтарилиб олдилар.

“Ўтиш турнири”нинг “В” гуруҳи ўйинлари жаввали:

№	Жамоа	Ўйин	Ғалаба	Дуранг	Мағлубият	Т-Н	Очко
1	Ucell	4	4	0	0	15-4	12
2	ЭМММ	4	3	0	1	31-10	9
3	ТошТТС	4	2	0	2	11-13	6
4	Alskom	4	2	0	2	9-19	6
5	Мониторинг маркази	4	1	0	3	9-15	3
6	Unicon.uz	4	0	3	4	0-14	0

Айтишларича, қадимда машҳур заргар бўлган экан. У шу даражада моҳир ҳунарманд эканки, ясаган зебу зийнатларини одамлар соатлаб томоша қилишар экан. Уста ҳалоллик ботида ҳам беназир экан. Шунинг учун ҳам миждозлари кўп бўлиб, топши-тутишида ҳам барака бор экан.

Баноғоҳ унинг хонадонига бахтсизлик кириб келибди. Уни доимо ҳалолликка, инсофу диёнатга, раҳмдилликка чорлаб турувчи, рўзгор тебратишда тежамкорликка амал қилувчи оқила рафиқаси оламдан ўтибди. Вояга етмаган уч ўғил отаси билан додлаб қолаверишибди.

Рафиқасига қаттиқ кўнгил қўйган уста аввалига доддираб қолибди. Сўнг фарзандларини ўйлаб, аввалгидай ишлай бошлабди. Лекин яқинлари-ю, бегоналар қанча ҳаракат қилишмасин у қайта уйланмабди. Фарзандларини ўқимишли, билимли қилиб вояга етказишни ўзи учун бурч деб билибди.

Болалар ўсиб, катта бўлишибди. Ҳар қайсилари биттадан ишнинг бошини тутишибди. Ота уларни уйлантириб, ўйли-жойли қилибди, лекин кўп йиллик ёлғизлик, дилхиралик барибир ўз таъсирини кўрсатмай қолмабди. Отанинг кўзлари хиралашиб, ишлай олмай қолибди. Ўғиллари келинлар эса отага беватибор бўлишибди. Ўғиллар ўз ишлари билан ово-

ра, келинлар отанинг овқатини вақтида беришмабди. У бугунлай ёлғизланиб, бетобланиб қолибди.

Бир куни унинг дўсти кўрган келибди. У ниҳоятда зукко, ақлли, тadbирли инсон экан. Машҳур заргарнинг ётишини

Қайта тарбия

кўриб, вазиятни дарҳол тушунибди. Ва дўстига кўз қисиб қўйиб, секин гап бошлабди.

— Ўғилларинг ақлли болалар бўлиб вояга етишди, — дебди у. — Уларнинг хизматидан одамлар миннатдор. Ҳамма мақтаб гапиряпти. Келинларинг ҳам яхши оиланинг фарзандлари экан. Сени оқ ювиб, оқ тараб ўтиришибди. Ҳаммалари ўзидан тинчиди. Могу давлати ўзларига етарли. Жуда тўғри ўйлаган экансан, шунча йил тўплаган бойлигингни етимхонага атаб. Омонатинг менда турибди. Лекин барибир уларнинг бир қисмини невараларингга берсанг яхши бўларди.

Буни эшитган келинлар авва-

➤ RIVOYAT

лига бир-бирларига қараб олишибди. Сўнг уй-уйларига кириб кетишибди. Кўп ўтмай кичик келин патнис кўтариб чиқибди. Унга пистабодомдан тортиб пашмагу ҳолвалар қўйилган экан.

— Олинглар, — дебди у назокат билан. — Кеча хўжайиним отамга бергин, деб олиб келган эдилар. Мен ҳозир чой дамлайман.

Бошқа келинлар ҳам бор нарсаларини олиб чиқиб дастурхонни тўлдириб ташлашибди. Шу кундан эътиборан ўғиллар ҳам, келинлару неваралар ҳам отага парвона бўлишибди. Заргар кўп ўтмай

яхши парвариш, меҳру эътибор туфайли оёққа турибди, ҳатто ишини ҳам давом эттира бошлабди.

Бир куни дўсти унинг олдига хабар олгани келиб, хурсанд бўлибди.

— Ҳаммаси яхши-ку, улар мендан бойлик кутади-да, — дебди заргар. — Э, дўстим, бизнинг бойлигимиз — соғлигимиз. Сен ҳали кўп яшайсан. Невараларингга мерос қолдиришга ҳам улгурасан. Энг яхши мерос сенинг дуоларинг. Улар шунга сазовор бўлишяпти. Ишонманки, улар анча ўзгаришган, биз уларни қайта тарбияладик, — дебди заргарнинг доно дўсти.

Г.ҲАЙДАРОВА

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Ҳозирги кунда борган сари оммалашиб бораётган ташриф қоғозларининг қандай пайдо бўлганини биласизми?

„OSCAR“ : У ҲАҚДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Биз бу номни кўп маротаба эшитганмиз ва кино оламида энг нуфузли тақдимот — „OSCAR“ эканлигини биламиз. Агар у ҳақида кўпроқ билмоқчи бўлсангиз келинг, биргаликда „OSCAR“га оид маълумотлар билан танишамиз.



„OSCAR“ ҳайкалчасининг баландлиги 34 см, вазни 3.85 кг. Қора мрамарга ўрнатилган ҳайкалча тилда суви билан ишланган. У қўлида қилич ушлаб турган рицар шаклида. Айтишларича, „OSCAR“ эскизини Седрик Гиббонс бир йиғилиш пайтида ён дафтарчасига зериканидан чизган.

„OSCAR“ номи қандай дунёга келган? Айтишларича, академия кутубхоначиси Маргарет Херрик ҳайкалчани кўриб, „Вой, бу бобом Оскарга ўхшар экан“ деган. Сўнг ҳайкалча шу ном билан атаб бошланган.

1950 йилда қабул қилинган қарорга кўра, „OSCAR“нинг бирорта голиби ўз ҳайкалчасини аукционга қўя олмайди. Энг кўп „OSCAR“ олган филмлар „Бен-Гур“ (1959), „Титаник“ (1997) ва „Узуклар ҳукмдори: қиролнинг қайтиши“ (2003)дир. Уларнинг ҳар бири 11тадан ҳайкалча қўлга киритган. „OSCAR“га 1960-2000 йиллар давомида ҳар йили номи номзодликка қўйилган актёрлар Жек Николсон ҳамда Майкл Кейндир.

„OSCAR“нинг Оскар исми биргина голиби оперетталар ёзувчиси Оскар Хаммерстайндир.

„OSCAR“ тақдимида энг кўп маротаба бошловчилик қилган инсон америкалик кулгу устаси Боб Хоупдир.

Энг кўп маротаба „OSCAR“ни Уолт Дисней қўлга киритган.

➤ BU — QIZIQ

• Телефон ихтиросиси Грэхем Белл бирор марта ҳам онаси ва рафиқасига сим қоқмаган. Сабоби улар қар бўлишган.

• Шекспир ва Сервантес бир кунда, яъни 1616 йил 23 апрелда дунёдан кўз юмишган.

• Нега Юлий Цезарнинг бошида доим тулчамбар бўлган? Сабоби, у тулқилаётган сочларини яшириш учун доимо лавр баргидан ясалган тулчамбар таққан.

• Қўшиқчи Ник Кейв дум билан туғилган.

• Шифокорларнинг маълумотига қараганда, йигирма нафардан битта бола кундузи туғиларкан.

• XV асрда Европада қизил рангни шифобахш ҳисоблашган ва беморни бошдан-оёқ қизил кийинтириб, атрофига фақат алвон рангли нарсаларни осиган.

ҚИЗЛАР КУНДАЛИГИГА

Паркет полдаги доғни оддий порошок кукунидан тайёрланган бўтқа билан кетказишингиз мумкин. Бунинг учун илиқ сувга порошок кукун солиб, бўтқа тайёрланг ва уни доғ жойга суртиб, кечаси билан қолдириг. Эрталаб тоза мато билан артиб, илиқ сувда ювинг.

Кабоб учун гўштни бир зумда маринадламоқчи бўлсангиз, ҳар доим тайёрлайдиганингиздан ўткирроқ маринад тайёрлаб, гўшт бўлақларини сихга териб, хона ҳароратида вақтингиз борица ушлаб туриг.

Шиша идишдаги ёғни сувга нашатир спирти қўшиб ювангиз, бир зумда кетказди. Ёғли идишнинг ичини тозалаш учун картошка пўчоғи, туз ва қайнаган сув солиб, бир неча бор яхшилаб чайиб юборсангиз, ёғдан асар ҳам қолмайди.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асадхон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Солиқжон ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикрларидан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда „Xabar“дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❌
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

„Шарқ“ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, „Буюк Турон“ кўчаси, 41-уй.

G-602 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 11241 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддия БҮРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 226-87-71 Қаршида 314-08-99